Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

# Ishonch

2018-yil 13-fevral • seshanba • № 19 (3992)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

### Аёл ардоқда

Муҳтарам Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиздаги ҳеч бир аёлни бефарқ қолдирмади десак, асло муболаға эмас.

3-бет



### Ортиқча гап

Яқинда яхши бир китоб ўқидим. Аввал билмаган ва эшитмаган эканман, балки сиз азизлар учун ҳам фойдали бўлишини ўйлаб унда битилган ибратли бир нуқтага тўхталаман.

4-бет



### Яхши китоб кўнгилда варақланади

«1739 йил 20 ноябр. Азиз болажоним! Сен Рим тарихини ўрганаяпсан, бунга жиддий ёндашаётган бўлсанг керак, деб умид қиламан. Тарихни ўрганишдан мақсад нима дерсан? Мақсад ўтмиш кишиларининг яхши фазилатлари-ю камчиликларини билиб, ўрганиб, бундан ўзимиз учун тўғри хулоса чиқаришдир».

4-бет



## Қўшма комиссия йиғилиши

**Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йил 4-6 декабр кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон қўшма комиссиясини тузиш ҳақида келишувга эришилган эди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг Хавфсизлик кенгашлари аппарати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари киритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, курол савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизликни таъминлаш, қўшма тараққиёт ва инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Мозори Шариф – Ҳирот темир йўли ҳамда Сурхон – Пули-Хумри электр узатиш линияси қурилишини амалга ошириш, шунингдек, Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, марказлари, савдо уйлари хавфсиз фаолиятини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йилдаги расмий ташрифи доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

3 ▸

**Туризм**

## Самарқандда хавфсиз туризм инспекторлари иш бошлади

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги қарори билан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси тасдиқланган эди.**

Мазкур концепцияда Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ИИБларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилиши, уларнинг бошлиқлари бир вақтнинг ўзида ИИБ бошлиғининг ўринбосари ҳисобланиши, шахсий таркиб эса танлов асосида, биринчи навбатда, чет тилларни биладиган ходимлар сафидан шакллантирилиши назарда тутилган эди.

Самарқанд вилояти ИИБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гуруҳи маълумотига кўра, Самарқандда ҳам хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма учун алоҳида бино ажратилиб, бугунга қадар 50 га яқин ходим ишга қабул қилинган. Инспекторлар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланмоқда.

Хавфсиз туризмни таъминлаш хизмати ходимлари тиббиёт қутиси, Самарқанднинг тарихий обида ва маданий объектлари схемаси бўлган кичик харита билан таъминланган. Улар асосан туристлар гавжум бўладиган жойлар, тарихий обидаларда иш олиб боришади.

ЎзА



**Мунособат**



## КАСБ–ҲУНАР ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим соҳасига инновацион ғояларни тарғиб этмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистон таълим тизими янги тараққиёт йўлига қадам қўйди. Президентимиз раислигида 2017 йилнинг ўзида таълим соҳасига бағишлаб 4 марта йиғилиш ўтказилди. Уларда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати асослаб берилди, янги истиқболли йўналишлар бўйича вазифалар белгиланди.

3 ▸

**Миннатдорлик**

## Эътиқод – амали билан улуғ

Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқ манфаатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, ислом динини кенг тарғиб этиш, бу борада қулайликлар яратишга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Чилонзор туманида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи билан аталувчи масжид бунёд этиладиган бўлди. Куни кеча Давлатимиз раҳбари масжид бунёд этиладиган жойга ташриф буюриб, унинг қурилиши масаласида ўз тавсияларини берди. Бу нафақат биз, оила аъзоларини, балки халқимизни ғоятда қувонтирди. Шу билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклади. Негаки, ҳазрат бошлаган ишларни давом эттириш, янада шижоат билан меҳнат қилиш лозим бўлади. Янги бунёд этилаётган мажмуада масжид, ҳазрат ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи музей, кутубхона, қироатхона, шунингдек, уч юз кишилик халқаро даражадаги анжуманларни ўтказишга мўлжалланган зал, умуман олганда, мўминларга ибодатдан тортиб, маънавий озуқа олиши учун муносиб шароитлар яратиш кўзда тутилмоқда.

2 ▸

**Касаба уюшмалари ҳудудларда**

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор асосида 444 та эҳтиёжманд оилага газ плита ва газ баллонлари тарқатилди.

* * *

**Жиззах вилояти.** Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши томонидан ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка жалб қилиш борасидаги ишлар кенг кўламда давом эттирилмоқда. Жумладан, туман мактабгача таълим муассасаси бўлими касаба уюшма хизматига олинди.

— Эндиликда жамоамизда меҳнат қилаётган 17 нафар аъзонинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси таъминланадиган бўлди, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Бобоев. — Бу эса аъзоларнинг касаба уюшма имтиёзларидан фойдаланиб, ўз салоҳиятини намоён этишида муҳим асос ҳисобланади.

* * *

**Тошкент вилояти.** «Ботаника» санаторийсида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида «Уч авлод учрашуви» маданий тадбири ташкил этилди. 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган ватанпарварлик руҳидаги шеър, куй-қўшиқ ва миллий рақслар фахрийларга манзур бўлди.

— Шундай ёруғ кунларни кўриш бизга ҳам насиб этди. Болажонларнинг спорт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги ютуқларидан фахрландик. Илоҳим, юртимизга, фарзандларимизга кўз тегмасин, — дейди 96 ёшни қаршилаган Ҳабибулло ота Зокиров.

* * *

**Фарғона вилояти** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Риштон туманидаги 111 та эҳтиёжманд оилага маиший техника воситалари совға қилинди. Оғир дардга чалинган беморлари бўлган олтита оила дори-дармон воситалари билани таъминланди. Ўндан зиёд уйлар таъмирланди.

Шунингдек, аҳолининг яшаш шароитини ўрганиш жараёнида 630 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишилар аниқланиб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 33 нафар шахс ногиронлик аравачаси, яна уч нафари эшитиш мосламаси, ўнлаб жисмоний имконияти чекланганлар қўлтиқтаёқ, ҳассалар билан таъминланди. Иш билан банд бўлмаган оила вакилларининг 150 нафардан зиёдига тегишли ташкилотлар томонидан нафақалар ажратилишига кўмаклашилди.

**Мухбирларимиз**

# «АҲЛИ ИЛМНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШЛИК Аллоҳнинг розилигини топишлик бўлади»

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон АЛИМОВ билан суҳбат*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 9 феврал куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш жараёнида Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан ҳам яқиндан танишди. Ҳудудни янада ободонлаштириш, зиёратчилар учун қулайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Шунингдек, Чилонзор туманида барпо этилаётган масжидда ҳам бўлиб, ўзининг бир қатор таклиф ва тавсияларини билдирди. Мухбиримиз Сузук ота ҳақидаги маълумотлар ва бу масканнинг маънавий-маърифий аҳамияти, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номида барпо этилаётган масжид ва музей ҳақида **Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов** билан суҳбатда бўлди.

2 ▸

# «АҲЛИ ИЛМНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШЛИК

## Аллоҳнинг розилигини топишлик бўлади»



◂1

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим. Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин. Ассалоту вассаламу ала расулиллоҳ. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бизнинг диёримизда жуда ҳам катта ислоҳотлар, янгиланишлар юз бермоқда. Бугунги тараққиётимизга бутун дунё ҳавас билан қараб турибди. Шу ўринда барча соҳалар каби муқаддас динимизга ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Дин деганда нимани тушунамиз? Бу бамисли бизни тарбиялаб вояга етказган ота-боболаримиз юриб келган йўлдир. Улуғ боболаримизга ҳурмат, иззат, эътибор кўрсатишлик эса, шак-шубҳасиз улуғ иш. Дейлик, дунёда эътироф этиладиган олти муҳаддис сафида имом Бухорий ва имом Термизийлар борлиги бизда чексиз фахр ҳиссини уйғотади. Устозларга бўлган ҳурмат-эҳтиром имом Термизийнинг ҳаётида бошқаларга ўрнак бўларлик даражада бўлган. Манбаларда айтилишича, устози вафотидан кейин кўп азиятлар чекиб кўзлари кўрмас бўлиб қолган экан. Ёки шогирдига нисбатан устознинг меҳрибончилигини олайлик. Имом Бухорий ҳазратлари Имом Термизийга айтган эканларки, Сиз мендан олган манфаатдан кўра, мен Сиздан кўпроқ манфаат олдим. Буям катта бир эътироф бўлиб, шогирдни кўтаришдир. Ана шундай анъаналаримиз бор. Бундан ташқари, ўтган алломаларимиздан бири Қарши туманида таваллуд топган Абул-Муъийн Насафий ҳазратларидир. Бу зот катта хизматлар қилганлар. Бундан минг йил аввал Мовароуннаҳрда бошқа оқимлар томонидан имоми Аъзам мазҳабини, Мотуридия ақидасини сиқиб чиқариб, ўзга бир ақидани киритишга ҳаракат бўлган. Ана шунда Абул-Муъийн Насафий «Табсирот ал-адилла» деган китобини ёзиб, уларга кескин раддия берган ва Мотуридия ақидаси ҳамда имоми Аъзам мазҳабини сақлаб қолишга катта ҳисса қўшган. «Табсирот ал-адилла» дегани «далиллар тилга кирганда» деган маънони беради. Унда ҳаммасига далиллар билан жавоб берилган. Абул-Муъийн Насафий бобомизни хорижий мамлакатларда алломалар, ақида олимлари, калом илми мутахассислари Соҳиби Табсира деб атайдилар, бу жуда катта эътирофдир. Араб мамлакатлари ва бошқа диёрларда Абул-Муъийн Насафий тўғрисида кўп таърифларни айтишади. Улар улуғ бобомизнинг китобларини дарслик сифатида ўқишади ва улар биздаям ўқитилади.

Ана шундай улуғларимиздан яна бири Тошкентда яшаб, одамларни меҳнат қилишга даъват этган, ҳунарни тарғиб қилган, уларга ўз ҳунарларини ўргатган, ҳазрат Аҳмад Яссавий бобомизнинг набиралари Сузук отадир. Сузук отанинг асли исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда таваллуд топиб, 1217 йилда вафот этганлар. Бу зот Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Ҳуштожнинг кенжа ўғли бўлган. Сузук ота дейилганига сабаб, Аҳмад Яссавий бобомиз у кишини болаликларида шу сўз билан суйиб чақирарканлар. Шундан Сузук ота бўлиб кетган. Бу киши Яссавия тариқатини кенг тарқатган, ҳозирги қабрлари кўним топган жойда одамларга Ислом динининг асл мақсади, мазмун-моҳияти, қўлда ҳунари бўлган одам қандай одам бўлишлиги, ҳунари бордан ҳеч бир ёмонлик чиқмаслигини халқнинг онгига сингдирган. Ҳунарли киши пешона тери билан рўзғорини боқса, ундан буюк ва ундан фазилатли одамнинг ўзи бўлмайди. Бу Аллоҳга ҳам, одамларга ҳам хуш келади. Оиласи тинч бўлади. Бир жойдан, бировдан бир нарсани таъма қилмайди. Чунки бировдан нарса сўраб таъма қилишлик бизнинг муқаддас динимизда ҳаром ва қайтарилган ишлардандир. Шу боис ҳам у кишига эргашганлар жуда ҳам кўп бўлган.

**Тошкентда яшаб, одамларни меҳнат қилишга даъват этган, ҳунарни тарғиб қилган, уларга ўз ҳунарларини ўргатган, ҳазрат Аҳмад Яссавий бобомизнинг набиралари Сузук отадир. Сузук отанинг асли исми Мустафоқул бўлиб, 1140 йилда таваллуд топиб, 1217 йилда вафот этганлар. Бу зот Аҳмад Яссавийнинг қизи Гавҳари Ҳуштожнинг кенжа ўғли бўлган. Сузук ота дейилганига сабаб, Аҳмад Яссавий бобомиз у кишини болаликларида шу сўз билан суйиб чақирарканлар. Шундан Сузук ота бўлиб кетган.**

Сузук отани бобомиз Амир Темур ҳазратлари ҳам юксак қадрлаганлар, Сузук ота қабрининг қибла томонида битта масжид қурдирганлар. Муҳтарам Президентимиз шу жойни келиб кўрганларида Тошкент шаҳрида халқимизнинг ҳам зиёрат, ҳам ибодат қиладиган бир манзилини қилайлик, дея эзгу ташаббус кўрсатдилар. Мисол учун, Тошкент вилоятида Зангиота зиёратгоҳини олайлик. У жойга зиёратга борганлар ҳам зиёрат, ҳам ибодат қилади, ҳам руҳан тетик, ҳам маънавияти бой бўлади.

Куни кеча муҳтарам Президентимиз Тошкент шаҳрининг ободончилиги, қурилишларини бир кўздан кечириш, танишиш учун шаҳарга чиққанларида «Сузук ота»га ҳам бориб зиёратчилар учун қулайликларни янада ошириш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди. Сузук ота ҳазратларининг ўзлари ҳунарманд бўлганликлари учун бу жойда ҳунармандлар растаси бўлади. Икки қаватли иморатлар қурилади. Тепасида ҳунармандлар яшайди, пастида уларнинг дўконлари бўлади. Бу расталарда халқимиз ва хорижлик сайёҳлар айланиб юриб ҳам зиёрат қилади, ҳам роҳат қилади, ҳам маънавият олади, ҳам маърифатли бўлади, ёшларимиз ҳам одоб-ахлоқли бўлади, ўзларига керак нарсаларни харид қилади. Бу билан ҳунармандлар ҳам ўз кунини кўради, фаолиятлари бардавом бўлаверади. Бу жойдаги Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари қурдирган масжид ёни айвонлар билан кенгайтирилаяпти. Меъморларимиз, қурувчиларимиз ниҳоятда ихлос, эътибор билан ўзларининг бор тажриба ва билимларини ишга солишаяпти. Масжид атрофида ўқитиш хоналари, маънавият, қироат ва таҳоратхоналар бўлади. «Сузук ота» мажмуаси битгач, турли жойлардан меҳмонлар келиши шубҳасиз. Уларга барча шароитлар муҳайё этилмоқда.

**— Президентимиз Чилонзор туманида барпо этилаётган янги масжидда ҳам бўлиб, ушбу масканга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини беришни таклиф қилди. Шу жараёнда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эканлиги, ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлаганлигини алоҳида таъкидлади. Шайх ҳазратлари ва у кишининг халқимизга қолдирган бебаҳо мероси ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Сўғалли ота деган жойда тўқсонинчи йиллар атрофида бир масжид қурилиб, биноси чала қолиб кетганди. Бу савоб ишни шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари муфтийлик даврида бошлаганлар. У ерга бордик. Муҳтарам Президентимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳақида сўраб, у кишининг оиласи, фарзандлари ҳақида суриштирди.

Давлатимиз раҳбари у кишининг ўғиллари Исмоил Муҳаммад Юсуфни чақиртириб, суҳбатлашдилар. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари энг оғир даврларда Ўзбекистон халқи, унинг тинчлиги, одамларнинг диний соҳада тўғри йўлдан боришлари учун жуда катта хизмат қилганлиги, Маҳад (Имом Бухорий номидаги Ислом институти)да ўқитувчи, кейин ректор, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасида раис, муфтий бўлганини айтиб, бундай илм аҳли вакилларини ҳурмат қилишимиз зарурлигини алоҳида уқтирдилар. Аҳли илмни ҳурмат қилишлик Аллоҳнинг розилигини топишлик бўлади. Ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг битта ҳадисларида олим-у уламолар тўғрисида «Уламолар пайғамбарларнинг меросхўридирлар», дейилади. Демак, пайғамбарларнинг меросхўри бўлган уламони ҳурмат қилган пайғамбарни ҳурмат қилган бўлади. Пайғамбарни ҳурмат қилган Аллоҳнинг розилигини топади. Аллоҳ унга кўп йўлларни очиб беради. Президентимизнинг қилган бу ишлари нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун дунёга ёйилди. Чунки шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари бутун ислом оламида машҳур ва манзур олим эди. У кишининг бу оламда ўз ўрни, мақоми, сўзи бор эди. Катта-катта анжуманларда сўзга чиқиб, ўз сўзини ўтказарди. Бизга ҳозир ҳам халқимиздан, бутун дунёдан эътирофлар ёғилаяпти. Давлатимиз раҳбарига ислом оламининг намояндалари, уламолар, олимлар чексиз миннатдорлик билдирмоқдалар.

Шундай табаррук ният билан ўзимизнинг диёримиздаги мусулмонлар ўртасида ҳам «шайх ҳазратлари ўтгандилар, бу кишининг номи тилга олинмасмикин, эсланмасмикин», дея тилга олинган ҳақли сўзларга муносиб, жуда чиройли жавоб бўлди, десак тўғри гапни айтган бўламиз, иншоаллоҳ.

Дарҳақиқат, бунёд этилаётган шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги масжид ёнида катта музей ҳам ташкил қилинаяпти. Муҳтарам Президентимиз Исмоилбекка: «Онангиз, опа-сингилларингиз, қариндошларингиз билан маслаҳат қилинг, музейга нима керак бўлса, сизлар нимани хоҳласангиз, биз шуни қилиб берамиз», деди. Бу чексиз ҳурмат ва юксак эҳтиром намойиши бўлди. Ўша жойда катта конференц-зал қурилади. Ўқув хоналари, секторларга бўлиб ўтиладиган мажлис хоналари бўлади. Қурилиш ишлари тугагач, бутун дунёдан олимлар, диний ва бошқа соҳалардаги уламоларни таклиф қилиб, катта анжуман ўтказиладиган бўлди. Юртбошимиз ушбу беназир ташаббус ва ғоялари билан бутун дунёга бизнинг қандай маънавиятли халқ эканимизни чиройли тарзда намоён қилдилар. Инсоннинг қалбига бундай покиза ниятларни фақатгина Аллоҳ солади. Бундай ишлар ўз-ўзидан бўладиган ишлар эмас... Биз бунга шукур қилишимиз керак, бизга бундай юрт раҳбарини Аллоҳ инъом этди! Бунинг қадрига етишимиз, у кишининг ёнида бирлашиб, шу азиз юртимиз тараққиёти учун ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим!

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил бўлганидан буён ҳали шу давргача ислом тўғрисида, унинг тинчликпарвар ва инсонпарвар дин эканлиги хусусида биронта давлат раҳбари ёки бошқа мақомдаги нотиқ сўзламаган, гапирмаган. Бу – ҳақиқат! Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясида биринчи чиқишидаёқ шижоат билан шу сўзларни баралла айтдилар. Ислом дини кимлардир ўйлаётган террорчилар дини эмас, у тинчликпарвар дин. Уни ўша салбий, ножоиз муносабатлардан сақлашимиз, асрашимиз керак, деган гапни ким айта олади? Буни Аллоҳ қалбига солган одамгина айтади.**

**— Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик моҳияти ҳақида сўз юритди, БМТнинг махсус «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқиб, бу ҳужжатнинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборатлигини алоҳида таъкидлади. Бу таклифлар жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилди...**

— Дарҳақиқат, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил бўлганидан буён ҳали шу давргача ислом тўғрисида, унинг тинчликпарвар ва инсонпарвар дин эканлиги хусусида биронта давлат раҳбари ёки бошқа мақомдаги нотиқ сўзламаган, гапирмаган. Бу – ҳақиқат! Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясида биринчи чиқишидаёқ шижоат билан шу сўзларни баралла айтдилар. Ислом дини кимлардир ўйлаётган террорчилар дини эмас, у тинчликпарвар дин. Уни ўша салбий, ножоиз муносабатлардан сақлашимиз, асрашимиз керак, деган гапни ким айта олади? Буни Аллоҳ қалбига солган одамгина айтади. Ёинки, имом Бухорий тўғрисидаги сўзларини олайлик. Имом Бухорий маркази бунёд этилаётгани, пойтахтда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилиши ҳақидаги фикрлардан бутун олам аҳли зийрак тортди. Муҳтарам Президентимиз минбардан тушаётганида президиумда ўтирганлар ҳам тушиб у кишини қутладилар. Бизнинг қардошимиз, Ўзбекистон давлатининг дўсти, Туркия мамлакатининг Президенти Эрдўғон жаноблари ҳам муборакбод қилдилар. Бошқаларнинг ҳам шундай юксак эътирофлари мамлакатимизнинг нуфузи, ислом оламида ота-боболаримизнинг тутган ўрни, улар қолдирган улкан меросга нисбатан ҳурмат ва эътибор ифодаси бўлди. Бу биз учун катта тарихий ютуқдир.

Инсон ўз халқини, ўз аждодларини чин ва самимий меҳр билан севса, ўз ватанига муҳаббати, садоқати беназир бўлсагина, шундай улуғ мартабаларга муносиб бўла олади. Бунинг учун унда жуда катта куч-ғайрат, шижоат бўлиши лозим. Муҳтарам Президентимизнинг амалга ошираётган кўплаб хайрли ишлари мисолида бунга амин бўлаяпмиз.

**— Мазмунли суҳбат учун катта раҳмат!**

**Салим АБДУРАҲМОНОВ** ёзиб олди.

# Эътиқод – амали билан улуғ

◂1

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари динимиз ривожи йўлида бор кучини, илмини сарфлаган, одамлар қалбига ҳидоят, эзгулик уруғларини қадаган бағрикенг олим эдилар. Мисол учун, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси вазифасида ишлаб юрган пайтлари собиқ Иттифоқ раҳбари М.Горбачёвга расман мурожаат қилиб, диёримиздан ҳаж зиёратига борувчи мусулмонлар сонини кескин кўпайтиришга, 1990 йилда Марказий Осиё республикаларининг ўзидан беш юз нафар мусулмонни Тошкент шаҳри орқали ҳаж зиёратига олиб боришга эришган. Бундан аввал Иттифоқ бўйича бор-йўғи 20-30 кишигина ҳажга борган холос. Яна бир қувонарли жиҳат, шу кунгача ҳазратнинг 120 дан зиёд номдаги диний-маърифий китоблари нашр этилган. Бу машаққатли ва шарафли меҳнат маҳсулидир. Президентимиз қайд этганидек, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди. Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлаган эди».

Ҳазрат вақтнинг қадрига етиб ишлашни хуш кўрарди. Айни пайтда ўзгалар вақтини ҳам қадрларди. Шу боис барча ишларини тартибли ва вақтида амалга оширган.

Ҳазрат бирор ишга қўл урса, уни Аллоҳнинг розилиги, динимиз ва шариатимиз ривожи йўлида сидқидилдан бажарарди. Ушбу камтарона меҳнатларининг давлатимиз томонидан эътироф этилиши, у кишига ҳурмат кўрсатилиши динимизга, бутун мусулмонларга кўрсатилган эҳтиром, десак хато бўлмайди. Шу билан бирга, ҳазрат қолдирган улкан маънавий мерос маънавиятимизни бойитишга хизмат қилади. Шу маънода Президентимизнинг ушбу хайрли ташаббуси халқ манфаатига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қувонарлиси, хушхабар нафақат халқимиз, балки дунё мусулмонлари, жумладан, ҳазратнинг ҳамкасблари, шогирдлари томонидан хурсандчилик билан кутиб олинди. Жумладан, энг яқин шогирди ва сафдоши бўлган, қўшни тожикистонлик Ҳожи Акбар Тўражонзода ҳазратлари телефон орқали ушбу хабардан жуда хурсанд бўлганини билдириб, ўз ташаккурини Президентимизга етказиб қўйишни сўради ва у кишининг ҳақларига дуо қилди. Бундан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги кўплаб шогирдлари, сафдошларидан табриклар келиб турибди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳазрат диннинг, шариатнинг билимдони сифатида ҳар бир қилаётган ишида, шу қатори оилада, фарзандлар тарбиясида шариат аҳкомларига қатъий амал қилган. Бунда Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз (с.а.в) суннатлари асос бўлган. У киши фарзанд тарбиясида ҳам талабчан, ҳам меҳрибон мураббий эди. Бу ҳолат яқинлари ва шогирдларига бўлган муносабатда ҳам яққол сезилиб турган.

Қатъий кун тартибини бизга кичиклигимиздан ўргатган. Ўқиш, ёзишни билганимизда, олдига чақириб: «Бир кунлик иш тартибингни ёзиб кел», деб айтарди. Ёзиб келганимизда уни таҳлил қилиб, ўз маслаҳатларини берар, ёшимизга муносиб тарзда тушунтирарди. Умрининг сўнгига қадар йўл-йўриқ кўрсатишдан малолланмаган. Исломда ҳам фарзандга гўзал тарбия бериш юксак даражада улуғланади. Жумладан, ҳадисларда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ота фарзандига берадиган нарсаларнинг ичида энг афзали гўзал одобдир», «Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақасидан яхшироқдир», деган сўзлари келтирилган.

Ҳазратнинг яна бир яхши одати: аввал айтганман, яна қайтаришим шартми, демаганлар. Инсон зоти асли унутувчан эканлигини назарда тутиб, токи ўгит сингиб, ҳаёт тарзига айлангунча эслатиб туришдан ҳеч ҳам эринмаганлар. Фарзандларига, шогирдларига тартибли ҳаёт кечириш, яъни уйқудан эрта туришни кўп тавсия қиларди. Ҳазрат бомдод намозидан аввал туриб, ишга ўтирарди. Турли учрашув ва тадбирларга борганида ҳам соф диний таълимотни аҳолига етказиш пайида бўларди. Умуман, ҳар бир масалада тартибга риоя қилган ҳолда фаолият юритарди. Айниқса, илмга кўп вақт сарфларди.

Яна бир фазилатлари яхшилик қиламан, дин йўлида хизмат этаман, деган одамни ҳеч қачон қайтармасди. Ҳар қандай ҳолатда иқтидори ва салоҳиятига қараб, хизмат буюрган, қўллаб-қувватлаган. Менга ҳам, бирор инсон олдингга келдими, унинг ҳожатини чиқаришга ҳаракат қил, кечиктирмагин. Чунки, у одамнинг ўзгариши бор. Бугунги ихлоси ёки имконияти эртага бўлмаслиги мумкин. Шу боис яхшилик йўлидаги одамга имкон қадар тез ёрдам бериш лозим, дерди. Ҳазрат ҳузурига келган инсоннинг ихлосидан имкон даражасида фойдаланиб, йўлга соларди. Бир сўз билан айтганда, у киши одамлар билан муносабат ўрнатишда кучли психолог бўлган ва бунда, шубҳасиз, Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳаёт тарзи ибрат эди. Ҳозирда ўқийман десангиз, китоблар бор ва интернетдан ҳар қандай мавзуда манба топишингиз мумкин. Аммо ўқиб амал қилиш бошқа. Ҳазрат ўқиганига доимо амал қилганлар.



Ҳаёт йўли барчага ибрат бўлган шундай улуғ инсонга кўрсатилаётган юксак эҳтиромга муносиб бўлиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Бу борада эса зиммамизда қилиниши лозим бўлган вазифалар кўп. Динимиз, азалдан аждодларимиз ардоқлаб келган эзгу фазилатларимиз тарғиботида бор куч-ғайратимизни сафарбар этиб, камарбаста бўлсак, бизни кўп улуғ манзиллар кутиб турганига гувоҳ бўламиз, иншоаллоҳ!

**Исмоил МУҲАММАД СОДИҚ**

Фармонни ўқиб

# АЁЛ АРДОҚДА

Муҳтарам Президентимизнинг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиздаги ҳеч бир аёлни бефарқ қолдирмади десак, асло муболаға эмас. Жойларда бўлганимизда, опа-сингилларимиз ушбу Фармон мазмун-моҳияти ҳақида янада чуқурроқ билиш иштиёқида кўплаб саволлар билан мурожаат қилмоқдалар.



Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш, бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа ўта муҳим вазифаларни амалга ошириш орқали хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг чинакам таянчига айланиши шубҳасиз.

Маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимининг жорий этилиши ҳам опа-сингилларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, албатта.

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази эса оила институтининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил этилиши ўзбек аёллари ўз истеъдодларини дунёга кўз-кўз қилиши учун янгидан-янги имкониятлар очади. Бу фонд кўмагида эҳтиёжманд аёлларимиз муаммолари ечим топиб, оилаларнинг иқтисоди мустаҳкамланади, хонадонларда фаровонлик ҳукм суради.

Фармонни ўқиб, қизларимиз қанчалик суюнаётганини ифодалаш қийин. Айниқса, бундан кейин Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳар бир вилоятдан 14 ёшга тўлган ва 30 ёшгача бўлган иккитадан қизга берилиши уларнинг ўз иқтидорларини янада кенгроқ намоён қилишларида қўл келади. Зулфияхоним издошлари сафининг кенгайиши билимли, иқтидорли, юртпарвар қизларимизнинг кўпайишидан далолатдир. Демак, саф ҳам, куч ҳам, имконият ҳам кенгаяди, натижа янада сермахсул бўлади.

Фармонга мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган «Мўътабар аёл» кўкрак нишони таъсис этилганлиги аёлларнинг давлат томонидан янада улуғланганлигининг ёрқин намойишидир.

Бугунги кунда хоразмлик касаба уюшмаси аъзоларининг олтмиш фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилади. Жамоа шартномаларига киритилган алоҳида боб орқали ишловчи опа-сингилларимиз манфаатлари ҳимояга олинган. Меҳнатлари муҳофаза этилиши, ҳуқуқий ҳимояга олинганлиги ишловчи аёлларга ўз вазифасини виждонан бажариш ва оиладаги мавқеини ҳам мустаҳкам тутиш имконини беради.

Айни вақтда мазкур Фармон фаолиятимизни янада кучайтириш кераклигини кўрсатмоқда. Бу, айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Биз хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Фармондан келиб чиқадиган вазифалар асосида янги чора-тадбирлар режасини белгилаб олдик. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш каби масалалар юзасидан зарур чораларни кўриш бугунги кунда комиссия олдида турган энг долзарб вазифалар сирасига киритилди.

**Муяссар РАҲИМОВА,**
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

◂1

— Тошкентда бўлиб ўтган Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликнинг мантиқий давомидир, — деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Аҳмад Мансуров. –Йиғилишда икки давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, хавфсизлик соҳасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

# Қўшма комиссия йиғилиши

Тадбирда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ижобий динамикаси қайд этилди. Транзит-транспорт, инфратузилма, савдо-иқтисодий, сармоявий, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдаги нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

— Икки давлат раҳбарларининг 2017 йил декабрь ойидаги учрашуви мамлакатларимиз ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди, — деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳаниф Атмар. — Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши якунлари бўйича эришилган натижалар эса Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида келгусида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда Афғонистон ва Марказий Осиёда узоқ муддатли барқарорликни таъминлашда тинчлик, изчил тараққиёт ва хавфсизлик масалаларининг узвий боғлиқлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан Марказий Осиёда тинчлик, ҳамкорлик ва фаровонлик ҳудудини яратиш мақсадида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда афғон муаммосини ҳал қилишнинг сиёсий-дипломатик воситаларидан янада самарали фойдаланиш орқали Афғонистонни қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди.

Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг илк йиғилиши якунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

**ЎзА**

# КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

◂1

*Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу фармон мазмун-моҳияти ҳақида* ***Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ*** *ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Мамлакатимизда ота-оналар ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари асосида 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Навбатдаги яна бир ғоят муҳим масала — ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, тизимга янги инновацион ғоялар жорий этиш эди. Бу масала Президентимизнинг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ўз ечимини топмоқда. Тўғри, мазкур тизимда ютуқларимиз бор, шу билан бирга, камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолган эди. Булар нималарда намоён бўлади?

Айрим коллежлар аҳоли яшаш жойларидан узоқда бўлиб, бу кўп ҳолларда ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашмаслигига сабаб бўлаётганди. Касб-ҳунар коллежлари моддий-техник базаси талаб даражасида эмас, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам етишмасди. Касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими муаммолари ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжидан ортда қолаётганида кўзга ташланди.

Маълумки, шу пайтга қадар касб-ҳунар коллежларида барча касблар 3 йил мобайнида ўқитиб келинган.

Эндиликда коллежлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга бириктирилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистондаги касб-ҳунар коллежларининг келажакдаги қиёфаси ҳақида гапиришдан аввал бир пайтлар иқтисодиёти у қадар ривожланмаган мамлакатдан қисқа вақт ичида юқори технологиялар мамлакатига айланган, ушбу соҳада «катта сакраш»ни амалга оширган Жанубий Корея, Финляндия ва Сингапур давлатлари таълим сиёсатини эсга олиш ўринли. Бу мамлакатлар бундай ютуққа ўз таълим тизимига тўғри ўзгартишлар киритгани, тизимда тўғри сиёсат олиб боргани учун эриша олди. Ўқитувчиликка истеъдодли кадрларни жалб қилиш мақсадида уларнинг маоши ва обрўсини кескин оширган эди.

Таълим борасида энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалиётда қўллашни режалаштирган Ўзбекистон ҳам мана шундай тезкор ривожланиш йўлини танламоқда.

Ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилади, миллий квалификацион рамкалар белгиланади ва касбга оид стандартлар жорий этилади. Профессионал стандарт маъноси шуки, дейлик, битта иш ўрни ишчидан қандай малака ва кўникма талаб қилади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда модулли ўқув режалари пайдо бўлади. Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштириб борилади. Бундан мақсад — касб-ҳунар таълими тизимини иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентига айлантириш. Яъни юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрланади.

Айни пайтда коллежлар фақат 9-синф битирувчиларини қабул қилган бўлса, эндиликда бундай стандартлардан воз кечилмоқда. Мисол учун. Фуқаро ўз касбини ўзгартиришни ният қилди. Дейлик, у ўзи яшайдиган ҳудудда янги қурилган тўқимачилик фабрикасига ишга кириш учун касб-ҳунар ўрганмоқчи. Бироқ, бундай ниятда бўлганларга кескин «йўқ» жавоби берилган. Соғлиғи тўғри келмагани сабабли бошқа касбни эгалламоқчи бўлган фуқаролар ҳам худди шундай муаммога дуч келган.

Эндиликда эса коллежларда нафақат мактаб битирувчилари, бунга қадар ҳам ўрта махсус маълумот олган, олий маълумотга эга бўлган, ишсиз қолиш хавфи остида қолган ихтиёрий ёшдаги фуқаролар ҳам таҳсил олишлари мумкин бўлади.

Ҳозиргача коллежлар фақат кундузги таълим шаклига эга эди. Келгусида коллежларда кундузгидан ташқари сиртқи, масофавий ва уйғунлаштирилган таълим йўналишлари йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқиш муддати 3 йил ва мажбурий бўлган бўлса, энди касбларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, 6 ойдан 2 йилгача муддатда ихтиёрий этиб белгиланди. Яъни эҳтиёж бўлдими, келиб ўқиш имконияти яратилди.

Юқори технологик тайёргарлик талаб қиладиган 6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи иш берувчи корхоналар, идора ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин. 1,5 – 2 йиллик мутахассисликни эгаллаш бўйича ўрта махсус ўрта бўғин таълим дастурлари олий таълимга муқобиллик асосида бир қисми грант, бир қисми контракт ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодий жиҳатдан барқарор вазирлик, идора ва корпорациялар, йирик иш берувчилар ўз акциядорлари, ички имкониятлари доирасида ўқувчилар учун қўшимча стипендия ва шу каби қўллаб-қувватлашни амалга ошириши мумкин.

Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонида кам таъминланган оилалардан ўқувчилар касб-ҳунар (кўп тармоқли) коллежларида, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, бепул асосда ўқитилиши белгиланган. Касб-ҳунар коллежларида давлат гранти асосида таълим олган битирувчиларни, уларнинг эгаллаган касби бўйича, ҳудудларда камида уч йил ишлаб бериш учун ишга юбориш тартиби ўрнатилади.

Мухтасар айтганда, касб-ҳунар таълими тизимидаги бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини, барча соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ЎзА мухбири
**Улуғбек АСРОРОВ**
ёзиб олди.

Фарғона томонларда

# Ёш фермерлар билан учрашув

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика ёш фермерлар кенгаши ҳамда бир қанча вазирлик ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Экологик тоза маҳсулотлар билан жаҳон бозорига» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда тажрибали тадбиркор ва фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси олимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талаба ва ўқувчи ёшлар иштирок этди. Шунингдек, «Ўзстандарт» агентлиги вилоят бўлими бош мутахассиси Ҳошимжон Муҳаммаджонов ва «Ўзагроэкспорт»нинг вилоятдаги вакили Акмал Эргашев соҳада яратилган имконият ва имтиёзлар хусусида тўхталиб ўтди.

Асака туманидаги «Замон миришкори» фермер хўжалиги раҳбари Оматиллохон Ортиқхожиевнинг қуёнчилик, асаларичилик, чорвачилик, интенсив боғдорчиликдаги ютуқлари, олтиариқлик «Ҳамиджонов Исроилжон» асаларичилик фермер хўжалиги ёш раҳбари Исломбек Аҳмедовнинг асал маҳсулотларини қадоқлаб, жорий йилдан экспортни йўлга қўйишга оид бизнес-режаси тенгдошлари томонидан қизғин олқишланди.

Семинар якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва олий ўқув юртларининг амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳалари кўргазмаси ташкил этилди.

**Ўз мухбиримиз**

Эълон

Олмазор тумани «Ягона дарча» маркази томонидан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 630-сонли қарори асосида тугатилган «FORWARD GYM» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини қайта тиклаётганини маълум қиламиз.

Божхона хабарлари

# Почта орқали жўнатилган тамакилар




Республикамизда тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатишда, шунингдек, мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яширин тарзда ишлаб чиқарилиши ёхуд четдан ноқонуний равишда олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш тақиқланади.

Шунга қарамасдан, тамаки маҳсулотларини республикамизга ноқонуний равишда олиб киришга бўлган уринишлар учраб турибди. Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бошпочтамт» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан АҚШдан фуқаро А.Розиқов (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) номига келган почта жўнатмаси ўрнатилган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, 200 қути «Parlament» ва 130 қути «Marlboro» сигаретлари, 1640 дона турли хил сақичлар борлиги маълум бўлди. Шу тариқа қонунбузар почта жўнатмаси орқали умумий қиймати салкам 40 млн. сўмлик сигарет ва сақичларни олиб киришга уринган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, иш ҳужжатлари тегишли тергов органига юборилган.

# Бемаврид «таралган» ифор

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темирйўл чегара божхона пости ходимлари косметика ва парфюмерия воситалари ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишди.



«Уфа-Тошкент» йўналишида кириб келган йўловчи поезди вагонларини божхона кўригидан ўтказиш давомида Б.З.нинг юклари орасида йўловчи божхона декларациясида ва божхона ходимларининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилинмаган умумий қиймати салкам 13,5 млн. сўм бўлган 343 дона атир-упа борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом этирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, республикамизга четдан олиб кириладиган парфюмерия ва косметика воситалари давлат тилида маркаланиши шарт. Шунингдек, юртдошларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида бу турдаги товарлар мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхатига киритилган.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

Реклама

# Хабарнома!

**«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ** ва **Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси** билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган Очиқ «Ким ошди» савдосига таклиф этади.

Савдо 2018 йил 17 март куни соат 11:00да Бухоро шаҳар ҳокимлиги биноси 4-қаватда, яъни Бухоро шаҳар И.Мўминов кўчаси 2-уйда бўлиб ўтади. Аризалар 2018 йил 16 март куни соат 18:00 гача қабул қилинади. Савдога қуйидаги мулк қўйилган:

1.2004 й. и\ч, д\р 80\935 СВА бўлган «Нексия» русумли автомашина — **Бошланғич баҳоси — 12 911 265 сўм.**

Сотилмай қолган автотранспорт воситаси савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очиқ савдоларга 2018 йил 24,31 март ва 7 ва 14 апрел кунлари чиқарилади.

Савдоларда қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Мулкни сотиб олиш учун ариза. Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси, «Савдо ташкилотчиси»нинг МФО 00119, СТИР 300615974, «Ипотека» банк АТИБ «Сардор» филиали 20208000604658859001 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси. Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома. Ҳуқуқий шахслар учун — шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автотранспорт воситаси учун аризаларни қабул қилиш (шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулк билан танишиш имконияти яратилади.

Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. Телефон: (0-365) 221-58-87.

**Хизматлар лицензияланган.**



Аждодлар — бизнинг фахримиз

# Меҳри мунир, зеби торак

**Башарият тафаккурининг юксак чўққиларидан саналмиш Мир Алишер Навоий шеъриятга доир манзумаларида бадиий санъатни порлоқ нур ва меҳр улашувчи ҳамда бош устида товланиб турувчи тож безагига қиёслаган. Буни Навоий билан шахсан учрашиш насиб этмаган ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шоир ўлимидан беш йил ўтиб, замонанинг зайли билан Ҳусайн Бойқаронинг илтимосига кўра Ҳиротда бўлган чоғида эътироф этган.**

Шоҳ Будоқ Шайбонийга қарши биргалашиб курашиш ҳаракатига тушган темурийзодалар Қобулга ҳукмдорлик қилиб турган Бобурни жанг майдонига тортмоқчи бўлганлари бизга тарихдан яхши маълум. Қаҳратон қиш ҳукм сураётган бир кезда Бобур бу чақириққа «ҳамма оёқ билан юриб борса, мен бошим билан юриб боришга ҳам тайёрман», дея ҳеч бир хаялламай Ҳиротга ўн минг лашкари билан йўл олган. Ва эътиборли жиҳати, Навоийнинг бир неча танобга чўзилган улкан ҳовлисига барча лашкарлари, от-улови билан жойлашган. Эртаси куни у Навоий мақбарасини тавоф қилгач, бир неча кун шоир томонидан барпо қилинган «Халосия» хонақоҳида тунаган. Худди шу ерда «Чор девон» мутолааси билан шуғулланиб, Навоий даҳосига яна бир карра қойил қолган. У хаттотларига буйруқ қилиб, куллиётни тўла кўчиртириб олган.

Чиндан ҳам Навоий шеъриятда бадиий сўзнинг чексиз қудрати ва имкониятларига юксак баҳо бериб, бу ҳақда «Ҳайратул аброр»да махсус тўхталган. Ўзи кечирган бу шавқу ҳайратни шундай ифодалайди: «Чарх томиға нардбон ясамоқ, меҳр шамъиға шамъдон ясамоқ. Қилибон анкабут ипини каманд, Айламак аждаҳо анинг била банд».

Энди сиз ҳам шоирнинг ижодий хаёл ихота доирасини бир тасаввур этиб кўринг-а! Бадиий ижодга, шеъриятга қўл урмоқ баайни фалакнинг пештоқига монанд нарвон тайёрлашу, қуёш шамъиға муносиб шамъдон ясаш билан ўргимчак ипидан сиртмоқ ҳозирлаб, афсонавий аждаҳони банд этишга тенглаштирилади. Бу — инсоният имконига сиғмайдиган нарса ва ҳодисалардан ғаройиб мўъжизакор ҳолат — яратиш санъати, инсон заковати журъат қилмаган ўй-хаёлларга ижодий жасорат топиш иқтидоридан далолат беради. Шоир сўз санъатининг самовий қудратидан рағбатланиб, шундай ёзади: «Заррада меҳрни ниҳон айлай, Баҳрға қатрани макон айлай». Заррада — қуёш, қатрада — денгиз акс этишидек оламнинг мўъжизаларини такрор-такрор эшитганимиз учунми, улар бизни унчалик ҳайратга солмаслиги мумкин. Улуғ санъаткор эса мана шу ҳодисадан ижодий фойдаланиб, шеъриятга янада сайқал бахш этади. Шоир, зарурат туғилса, оламнинг энг улкан жисми ҳисобланмиш қуёшни энг кичик жисм — заррага, уммонни эса қатрага жойлай олишдек афсунгар маҳоратига эга бўлганлиги учун ҳам шоир-да! Шеърият санъатига хос бундай фавқулодда бадиий мантиқ кучи юқоридаги каби муболағанинг иғроқ, ифрот каби нафис ва сирли поэтик усулларида ўзига хос ҳолатда намоён бўлади.

Бадиий сўз сеҳргарларидан бири Алишер Навоий шеър яратишга қанчалик юксак масъулият билан киришмасин, бу майдонда ўзини шунчалик эркин, шавқ-у рағбат қуршовида ҳис қилган:

*...Агар хоса маъни, гар ийҳом эрур,*
*Онинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Бу байтнинг ўзига жалб қилувчи сири «хоса маъни», «ийҳом» сўзларининг замирига яширинган мазмундадир. Навоий қаламининг илоҳий қудрати ҳам шунда — буни яхши ҳалвопазнинг ўз ишидан завқ-шавқ олишига қиёс этилишидан ҳам билса бўлади. Бироқ шоир энг қийин ва мураккаб бадиий усуллар билан ишланадиган шоҳбайтларни кўзда тутаётганини эътибордан қочирмаслик керак. Ҳар ҳолда, Навоий қонуний ифтихор ҳисси билан тилга олган, ҳар бир шоир ҳам уддасидан чиқавермайдиган хоса маъни, ийҳом санъати аслида ўзи нима эканини билмай туриб, унинг сўз даҳоси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш қийин. Шунинг учун дастлаб нисбатан камёб ўша икки санъат заминида яратилган байтларга разм солиб кўрайлик:

*Бош қўяй дедим оёғи тупроғига,*
*деди: қўй,*
*Бўса истаб лаъли рангин сўрсам*
*эрди деди: ол.*

Мазкур шоҳбайтда ўзаро нуктадонлик талашадиган икки лирик лавҳа — образ мавжуд бўлиб, бу «қўй», «ол» сўзларининг ҳар бири англатган қўш маъно заминига қурилган нозикхаёллик — бетакрор бадиалардан иборат. Уларни бироз шарҳлаб ўтмасак, байтнинг асл нафосатини англаш қийин бўлади. Ошиқ муҳаббат қисматининг барча қийинчиликларига дош бериб, маҳбуба оёқларига эмас, унинг гардига бош қўяр даражага бориб етса-да, у бағритош унга аввалгидай беписанд. Ҳажр изтиробида тўлғониб, васл илинжида ҳокисорлик билан қилган илтижосини рад этади. Демак, маҳбуба ё бошқани севади ёхуд ошиқ аҳволига раҳм-шафқат қилмаслик — унинг одати. Маҳбуба муҳаббатнинг жиддий синовлари давомида тўла қаноат ҳосил қиладики, ошиқ ўзининг чин эътиқоди, бениҳоя шикастаҳоллиги, фидойилиги билан садоқат ва вафонинг мужассам тимсоли бўлиб қолажагини, муҳаббат йўлидаги бутун қийинчиликларни тақдир насибаси ўрнида кўришини намойиш этаётир. Демак, унинг кўнгил илтижоларига ўшандай муҳаббат билан жавоб қилса, висол ризолиги билан дардига малҳам қўйса арзигуликдир.

Кейинги мисранинг ўзаро зид икки маъноси: ҳажрнинг турфа хил қийноқларини кечиришга, ишқ йўлидаги азалий ва ноғаҳоний балоларни даф этишга куч, сабот берган, энг мушкул дамларда дилдаги умид чароғини сўндирмаган сеҳрли умид туйғуси, васлнинг бебаҳо мукофоти — бўса истагига ошиқ ноил бўлса ҳам, буни ошкор этишга ҳаёданми, ваҳмданми журъат қилмайди-да, болаларча: «Лаълингни ранги қандай эди?» деб савол беради. Маъшуқа эса ё бу савол маъносини атайин англамаганга олиб тоғофил билан ё ошиқнинг журъатсизлигидан кулиб, шўхлик, ғамза-ю истиғно билан унинг дардига бедардларча юзаки жавоб қилади. «Наҳотки шуни ҳам билмасанг, лабимнинг ранги қизил»: сен фазлу камолинг билан муҳаббатдек буюк давлатнинг закоти — покиза бўса илтифотига мушарраф бўлмоқ учун ушшоқ аҳли ўтиши вожиб қийин ва муқаддас йўлнинг барча манзилларидан ўтдинг. Сенинг чин ошиқлигинг шундаки, ўзинг сазовор бўлган бу бахт истагини очиқ айтишга ҳаё қиласан, зеро, муҳаббат туйғулари ўша пардалилиги билан қадрли ва жозибалидир. Сенинг рамзий, ишорали саволларингдан менинг ҳам висол иштиёқим пурзиёд бўлди. Сенга ўша муборак туҳфани топширишга мингдан-минг розидирман, ол. Шундай қилиб, ийҳом санъати билан безатилган мазкур шоҳбайтда истанг — зоҳирий-ошкор, истанг — ботиний-пинҳон маънолар тақдим этилади. Ийҳомнинг жозибаси ҳам унинг мана шундай танқислигида кўринади. Бундай байтларда поэтик санъат турларидан тўғри фойдаланиш учун шоир ижодининг ички маънавий дунёсини кенгроқ ўрганиш зарурати туғилади. Навоийнинг сўлмас дурдоналари бўлмиш минглаб шоҳбайтларда оловли эҳтирослар билан бирга, вазмин фикрларнинг омухта бўлиб келиши санъаткордан чинакам истеъдод билан бирга, зўр малака ва пухталикни тақозо қиларди. Лирикада асрлардан бери ишланиб келган муайян қоидалар, «темир қонун» бўлиб кетган муфассал шартлар вужудга келган эдики, буларни билиш ҳар бир шоир учун фарз эди. Акс ҳолда ўша шоирни саводсизликда, ноқобилликда ёки чинакам бадиий завқнинг йўқлигида айблашарди.

Бир неча асрлар мобайнида Шарқ классик шеъриятининг назарий ва амалий фаолиятига кўрсатма бўладиган илмлар зоҳир топган эдики, булар «Илми бадеъ», «Илми аруз» ва «Илми қофия» номлари билан аталади. Буни барча қомусий олимлар «Илмҳои сегона» деб атаб келишган. Санъат оламидаги бу «учлик»ни билиш ҳар бир адабиётшунос учун мутлақо шарт бўлган. Адабиёт шинавандалари ҳар қайси бадиий шеъриятга баҳо бераётганларида, унинг ўша поэтик қирраларига қараб ўлчов ясаганлари ҳам бежиз эмас. Навоий ҳам ўз ғазалларини фақат илҳом ва туйғу омилларигагина риоя қилмай, адабиёт қоида ва назарияларини кўздан кочирмай қалам тебратган. У ўзигача «Илми бадеъ» ҳақида яратилган асарларни турли мамлакат кутубхоналаридан топтириб келиб, чуқур ўрганган. Буни шоир ўзининг «Мезонул авзон» деб номланган асарида очиқ айтади. Жумладан, у ҳижрий III асрда яшаб ўтган Аббосийлар шажарасига мансуб Ибн Муътасим яратган дастлабки 17 та санъат усулини тажрибада синашга уринган. Ундан кейин Қуддам бин Жаъфар томонидан ёзилган «Накдуш шеър» ва Халил ибн Аҳмаднинг аруз ва қофия илмига доир асарларини мутолаа қилган. XI асрда яшаган Умар Родуёнининг «Таржимонул балоға», Мансур Самарқандийнинг «Канзул ғаройиб», Муҳаммад Рашидийнинг «Зийнатнома» каби поэтикага доир қўлёзмаларини ўрганган.

Айникса, шоирлар учун XII-XIII асрларда яратилган иккита асар муҳим бўлган. Булардан бири машҳур хоразмлик шоир ва олим Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқус сеҳр» асаридир. У Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг отаси султон Такеш саройида хизматда турган. Шайх Нажмиддин Кубронинг суюкли хулофаларидан саналган Маждиддин Бағдодий ўша султон Такеш билан ака-ука бўлган. Ватвотнинг бу асари ўз даври учун қўлланма ва дастуруламал вазифасини ўтаган.

Иккинчи йирик асар эса Хоразмшоҳ саройида маълум вақт хизмат қилган Қайс Розийга тегишлидир. Унинг катта шуҳрат қозонган «Алмуъжам» номли поэтик асари форс тилида Хоразмшоҳлар саройида яратилган. Бу асар ўша пайтда мўғуллар талотуми авжга минган бир пайтда йўқолган, бироқ илм-маърифат қадрига етадиган Жалолиддин Мангубердининг укаси Рукниддиннинг саъй-ҳаракати билан қўлёзма ахтариб топилган.

Навоий XV асрда ёзилган «Шарафномаи Мунирий» деб номланган машҳур асарни ҳам чуқур ўрганган. Унда айтилишича, Қайс Розий Хоразмда яшаган пайтларида бевосита султон Жалолиддин Мангуберди номига атаб «Қанғли» шеваси асосида туркча бир луғат яратган. Унинг номи «Тибенул луғотит туркий ало лисонул қанғли» деб аталган. Қанғлилар туркий халқлар ичидаги бир қавм бўлиб, уларнинг бир қисми Тошкент атрофида ҳам яшаган. Бу қавмнинг номи бугун ҳам шаҳарда «Кичик қаъни», «Катта қаъни» номлари билан аталиб келинади. Қанғли сўзининг асл луғавий мазмуни Рашидиддиннинг «Жомеъ-ут таворих» асарида «Қониқарли кишилар», «қониқли одамлар» деган маънони бериши айтилади. Бундан кўринадики, Қайс Розий туркий тилни ҳам яхши билган. У шайх Нажмиддин Кубронинг суюкли хулафоларидан бўлган Маждиддин Бағдодий, имом Фахр Розий, Сирожиддин Саккокийлар билан биргаликда Туркон Хотун саройида хизмат қилган. Гурганж мўғуллар томонидан забт этилгач, Қайс Розий ҳам Эрон томонга қочишга мажбур бўлган. Қайс Розийнинг қанғлилар ҳақидаги асари XI асрда яратилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» асаридан кейин иккинчи йирик асар эди, десак асло хато бўлмайди. Сарой теграсида юз минг жилддан ортиқ китобга эга бўлган Навоийни бу асар ҳам қизиқтирган бўлиши табиий бир ҳолдир.

Шоир ғазалларидан бирининг мақтаида шундай бир байт келтиради:

*Навоий назм аро тийғи забонни*
*ўйла сурдиким,*
*Пичоқ топмас уятдин ўзни*
*ўлдирмоққа Саккокий.*

Навоий бу байтда Саккокий номи остида кимни кўзда тутган экан дерсиз? Маълумки, Навоийдан бир мунча олдин Отоий ва Гадоийларнинг замондоши бўлган Саккокий деган шоир ўтган. У Мирзо Улуғбек саройида қасиданавис шоир сифатида танилган. Бироқ Навоий бу шоирга юксак баҳо берган эмас. Шоир Абдураҳмон Жомий, Саъдиддин Кошғарий ва Хўжа Аҳрорларнинг маслаҳати билан Самарқандга бориб, Абулайсий ҳузурида илм олаётган кезларда, Тошканд ҳокими Аҳмад Ҳожибек ёрдамида унинг девонини кўп излатган. Саккокийнинг девони шуҳрат топмагач, у кўп кўчирилмаган. Навоий фақат унинг айрим поэтик заиф шеърларинигина ўқиб, тегишлича хулосага келган. Шу боис у шеърда тил қиличини музаффарона суғурганини кўриб, уялганидан ўзини ўлдиришга пичоқ тополмай гаранг бўладиган даражада ашаддий рақиб бўлолмайди. Навоий бу ўринда ўзига мусобақадош, рақиб деб бошқа бир устодни кўзда тутган. Бу шоир Жалолиддин Мангубердига ҳам устозлик қилган Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф бин Абубакр Саккокий (1159-1227) дир. У асли хоразмлик бўлиб, «Мифтоҳул илм» номли поэтик санъатга дахлдор асарнинг муаллифи сифатида шуҳрат қозонган. Бу асарда Саккокий морфология, синтаксис илмини илгари суриш билан бирга, шеъриятда маъно, баён ва адабий санъатлар хусусида, аруз ва қофия тўғрисида ҳам муфассал маълумотлар берган. Унинг бу китобига кўп машҳур адиблар, жумладан, Темурнинг замондоши Саъдиддин Тафтазоний ҳам муфассал шарҳ ёзган. Бадиий санъатларнинг ҳамма қоидаларини мукаммал билган бир донишманд олдида бадиий ҳунар кўрсатиш, албатта, Навоий учун катта шараф саналган.

Шоир бу байтда худди шу нуқтани кўзда тутган. Буларнинг бари мумтоз поэтика анъаналарининг Навоий даврида жуда юксак поғонада турганидан дарак беради. Навоий ўзи ҳам кўп асарларида «илми бадеъ» атамаларини кўп қўллайди. Шеъриятнинг таҳлил ва таърифида у юксак илм соҳиби бўлганини намоён этади. Масалан, фақат битта асарнинг ўзида у: рубоийнинг вазни хусусида, маснавий ва қасида, унинг ихтиролари тўғрисида, тажниснинг икки вазнли, икки қофияли турлари ҳақида, ғазал ва қасидалардан ташкил топган девон ҳақида, Хамса ҳақида, мунозара ва бадиҳа тўғрисида, шеърдаги салосат (равшанлик) ва латофат ҳақида, тарсеъ санъати, наът тури ва қофия ҳақида, табъда хаёлангезлик ҳақида, баҳория қасидаси деган тур ҳақида, муаммо санъати, вазн, қофия, радиф ҳақида, ғазалнинг мақтаъи ва ташбеҳотлар тўғрисида тиниқ маълумотлар беради. Навоий ҳамма бадиий санъатларни, сўз, вазн, қофия бобида устозлар ишлаб кетган қоидаларни ўқиб-ўрганишга даъват этади.

Шеърни ёзаётганда маънининг бутунлиги, фикрнинг тўғрилиги энг муҳим эканлигини тушунтиради. Сохталикдан қочиш, ёлғон ташбеҳлардан, тушунарсиз, ғализ ишоратлардан, мушкул имолардан, қайтариқ сўзлардан, такрорий тажнислардан, узундан-узун ишоратлардан, нотўғри мажозлардан, ўринсиз иборалардан ҳазар қилишни уқтиради. Айниқса, бу ўринда тарих зарварақларини, ўтмишдаги машҳур арбоблар, ҳукмдорлар, донишмандларнинг саргузаштларини, ҳукамолардан мерос бўлиб ўтган салафларни яхши билишни тавсия этади. Бу ўринда Навоий шеърда бутунлик, шакл ва мазмуннинг жобажолигини, мазмуннинг устунлигини талаб қилади. Бу айтилганларнинг бари ўша даврда мумтоз поэтика анъаналарининг жуда юксак пояларда турганидан дарак беради.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
филология фанлари номзоди

---

Ҳикмат тўла бу дунё

## ОРТИҚЧА ГАП

**Яқинда яхши бир китоб ўқидим. Аввал билмаган ва эшитмаган эканман, балки сиз азизлар учун ҳам фойдали бўлишини ўйлаб унда битилган ибратли бир нуқтага тўхталаман.**

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даври ижодкорлари билан муносабатларини «Бобурнома»да муфассал баён қилади. Аммо бу муҳташам китобда аввал учратмаганим тарихий бир воқеага Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» тазкирасида дуч келдим. Унда ёзилишича, ўша замон шоирларидан бири, ўзбек адабиёти тарихига «Қиссаи Сайфулмулук» асари муаллифи сифатида кирган Мажлисий Бобурга бағишлаб қасида ёзади.

Қасида Бобурнинг таъбига хуш-маъқул келади ва шу мақтовли шеър эвазига шоирга етмиш минг танга инъом қилмоқчи бўлади. Бироқ шу орада нима учундир Бобурнинг эсига:

*«Мискин чиғатойки кундузи*
*тундир анга,*
*Аҳволи паришон қора*
*тундур анга.*
*Мағрур бўлиб ер юзига*
*сиғмас эди,*
*Сичқон тешуги эмди минг*
*олтундир анга»,*

деган рубоий келиб қолади. Бобур Мажлисийдан: «Муҳаммад Солиҳ бу рубоийни нима сабаб билан айтган?» дея сўрайди. Мажлисий шу рубоий ҳам Бобурга жуда ёққан экан-да, деган хаёлга бориб, сўралмаган бир гапни ҳеч заруратсиз айтиб, мақтаниб қўяди: «Аслида бу рубоийни мен ёзганман, лекин одамлар орасида Муҳаммад Солиҳ номидан машҳур бўлиб кетди». Бобур ундан рубоийни ким ёзган, деб сўрамади. Ёзилиш сабабини билмоқчи бўлди, холос. Аммо Мажлисий ўзидан савол тўқиб, сўралмаган гапга жавоб айтади. Шунда Бобурнинг авзойи бузилиб, қошлари чимирилади. Рубоий мазмуними ёки Мажлисийнинг ортиқча гапириб қўйгани Бобурга маъқул келмаганми? Буниси бизга қоронғу. Далил шуки, Бобур Мажлисийни қатл этишга буюрмоқчи бўлади, аммо мурувватли подшоҳ сифатида кечиришни маъқул кўриб, ниятидан қайтади ва: «Шеър сийлови учун тайин этилган етти минг танга мулланинг хунбаҳоси ҳисобланади, ўзини эса бу ердан чиқариб юборинглар», деб айтади.

Мажлисий билан Бобур ўртасида бўлиб ўтган шу суҳбат ва буйруқни ижикилаб шарҳлашга зарурат йўқ. Гап тушунарли. Агар кимдир англашга қийналган бўлса, унга ҳазрат Ғаззолийнинг «Тил офатлари» китобини тавсия қиламиз.

**Баҳодир КАРИМОВ,**
филология фанлари доктори

---

Менинг севимли асарим

# Яхши китоб кўнгилда варақланади

**«1739 йил 20 ноябр. Азиз болажоним! Сен Рим тарихини ўрганаяпсан, бунга жиддий ёндашаётган бўлсанг керак, деб умид қиламан. Тарихни ўрганишдан мақсад нима дерсан? Мақсад ўтмиш кишиларининг яхши фазилатлари-ю камчиликларини билиб, ўрганиб, бундан ўзимиз учун тўғри хулоса чиқаришдир». Честер Филднинг ушбу сўзлар битилган «Фарзандга мактублар» асари менда катта таассурот қолдирди. Асарнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, фарзанднинг ҳаётда тўғри йўлни танлашида ота-она алоҳида ўрин тутиши ишонарли тарзда кўрсатиб берилган.**

Ёзувчи умри давомида фарзандига мактуб ёзган ва буларнинг бари жамланиб асар ҳолига келган. Ҳар бир мактубда фарзанднинг хатти-ҳаракатига муносабат билдирилиб, ҳатто дўстлар даврасида ўзини қандай тутиш, ҳамкасблар билан қандай муомала қилиш, фикр баёнчилиги ҳақида маслаҳатлар берилади. Муаллиф булардан тўғри хулоса чиқаришга ундаб, энг нозик ҳис-туйғуларда ҳам адашмасликка даъват этади.

Унинг яна бир мактубидаги қуйидаги жумлага эътибор қаратинг: «Ёдингда бўлсин, кимнингдир билимдон эканини тушуниш учун анча-мунча фурсат керак, аммо хулқ масаласига келсак, у бир қарашдаёқ сезилиши мумкин». Бу билан у инсондаги хулқ-атвор тезда кўзга ташланишини назарда тутади у.

Бошқа мактубида: «Чуқур илмга эга ҳар қандай одамда соғлом ақл бўлмаса, унда, албатта, мутакаббирлик пайдо бўлади», деб ёзади. Ҳар ким ҳам пухта илмга эга бўлиши мумкин, бироқ фикри тиниқ ва соғлом бўлмаса, бу билимдан не наф?

Ёзувчи фарзанди илмли бўлиши баробарида дунёқараши кенг, соғлом фикрлайдиган бўлишини ҳам хоҳлайди. Барча ота-оналар ва ёшларга ушбу асарни ўқишни тавсия қилган бўлар эдим, ундан қандай хулоса чиқариш эса ўзингизга боғлиқ.

**Дилнавоз ТОШНАЗАРОВА,**
Қўшкўпир туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-йил 11-январда Ўзбекистон ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов, Улуғбек Жалменов, Фарҳод Ханапияев, Равшан Бедилов, Асрор Ишанходжаев, Муҳаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова, Тимур Мамажонов *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Акмал Тошев

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Сотувда эркин нархда.
Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-91) 141-27-70
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Навбатчи муҳаррир:**
Т. Шернаев
**Навбатчи:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 00:20
Топширилди: — 02:20
1 2 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **А — 209.**
**35402** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133